

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

467 2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси 1-иловага мувофиқ;

2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, 2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси ва чора-тадбирлар комплекси қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган:

нооқилона овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва улар тарқалиши даражасини пасайтириш, аҳоли соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида соғлом овқатланишга доир кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш ва шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда соғлом овқатланишни тарғиб қилишни кучайтириш;

таълим ва тиббиёт муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тизимини янада тартибга солиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ташкил этилган болалар жамоалари овқатланиши рационини яхши-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

лаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ишлаб чиқариладиган ва чет элдан етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси сифатини назорат қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни, айниқса муҳим микронутриентлар билан бойитилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш йўли билан аҳолининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий хом ашё асосида озиқ-овқат маҳсулотлари яратиш, аҳоли орасида соғлом овқатланиш принциплари жорий этилишига кўмаклашадиган муҳитни шакллантириш;

аҳолининг турли гуруҳлари орасида овқатланиш рационини ва овқатланиш билан боғлиқ касалликлар ривожланишининг сабабларини ўрганишга йўналтирилган соғлом овқатланиш ва диетология соҳасида фундаментал илмий тадқиқотларни устувор амалга ошириш.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этсинлар;

2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексига киритилган тадбирлар амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасидаги чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича республика комиссиясига чораклик асосида тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасидаги чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича республика комиссияси (А.И. Икрамов) 2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласин, тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 август,
251-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 29 августдаги 251-сон қарорига
1-ИЛОВА

2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш КОНЦЕПЦИЯСИ

I. Кириш

1. Овқатланиш аҳоли соғлигини белгилайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Соғлом овқатланиш — бу инсоннинг соғлиғи мустаҳкамланишига ва касалликлар камайишига кўмаклашадиган, унинг ўсишини, нормал камол топишини ва ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган овқатланиш. Овқатланиш тузилмасида балансинг ҳар қандай бузилиши инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, шунингдек турмуш сифати пасайишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Республикада озиқ-овқат саноати ривожланишининг тадрижий ўсишини таъминлашга ва мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. Бунинг ҳисобига кейинги йилларда аҳолининг овқатланиши сифати анча яхшиланди, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш тузилмаси ўзгарди, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш 1,3 баравар, сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилиш — 1,6 баравар, тухум ейиш — 2,2 баравар, сабзавотларни истеъмол қилиш — 2,6 баравар, картошкани истеъмол қилиш — 1,7 баравар, меваларни истеъмол қилиш — 4,0 баравар ўсди.

Овқатланиш тузилмаси ва рациона яхшиланиши бошқа омиллар билан биргаликда аҳоли соғлиғи кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Охириги 10 йилда танасининг оғирлиги енгил бўлган болалар улуши икки баравардан ортиққа қисқарди (4 фоиздан 1,8 фоизгача), аёлларнинг анемия (камқонлик) билан касалланиши даражаси 2,5 баравар пасайди. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши 6,5 йилга кўпайди (67 ёшдан 73,5 ёшгача), аёлларнинг ўртача умр кўриши — 75,8 ёшга етди.

Шу билан бирга, ижобий иқтисодий ўзгаришлар ва урбанизациянинг тез ўсиши ва унга хос бўлган турмуш тарзидаги ўзгаришлар барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган нооқилона овқатланиш билан боғлиқ касалликлар даражаси ошишига олиб келди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ушбу касалликлар юқумли бўлмаган касалликларнинг алоҳида гуруҳига ажратилган. Юқумли бўлмаган касалликлар даражасининг ошиши нооқилона овқатланиш билан биргаликда етарли бўлмаган жисмоний фаоллик, тамаки истеъмол қилиш ва алкогольни зарарли истеъмол қилиш билан боғлиқдир.

2014 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижалари республика катта ёшдаги аҳолисининг 67,2 фоизга яқини сабзавотлар ва меваларни Жаҳон соғ-

ликни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этиладиган нормадан паст истеъмол қилишини, 37 фоизи туз миқдори ортиқча бўлган овқатни истеъмол қилишини, катта ёшдаги аҳолининг 16,4 фоизи эса жисмоний фаол эмаслигини кўрсатди. Бунинг натижасида катта ёшдаги аҳолининг 20,2 фоизи ортиқча вазнга ва 33,9 фоизи юқори қон босимга эга.

II. Концепциянинг мақсад ва вазифалари

2. Аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли турли гуруҳларининг тиббиёт фани талабларига мувофиқ соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш Концепциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, жисмоний фаоллик ҳамда алкогольли маҳсулотларни ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартириш йўли билан касалликка чалиниш ва бевақт вафот этишни камайтириш;

нооқилона овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва улар тарқалиши даражасини пасайтириш, аҳоли соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида соғлом овқатланишга доир кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш ва шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда соғлом овқатланишни тарғиб қилишни кучайтириш;

овқатланиш билан боғлиқ касалликлар тарқалишини камайтиришга йўналтирилган соғлом овқатланиш масалалари бўйича аҳолининг турли гуруҳлари учун таълим дастурларини ишлаб чиқиш, соғлом овқатланиш соҳасида фундаментал тадқиқотларни устувор ривожлантириш;

жамоаларда ташкил этилган овқатланишни ташкил этишни такомиллаштириш, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларнинг, шунингдек 3 ёшгача бўлган болаларнинг тўлақонли овқатланишини ташкил этиш, даволаш жараёнининг ажралмас қисми сифатида даволаш-профилактика муассасаларида парҳезли (даволаш ва профилактик) овқатланишни яхшилаш;

сифат ва хавфсизликка қўйиладиган замонавий талабларга мувофиқ озиқ-овқат хом ашёсининг асосий турларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, алмаштириб бўлмайдиган компонентлар билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва болалар овқатланиши учун ихтисослаштирилган маҳсулотлар, парҳезли (даволаш ва профилактик) озиқ-овқат маҳсулотлари ва овқатга биологик актив қўшимчалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсига тегишли бўлган техник регламентлар ва давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва чет элдан

етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсининг сифати устидан назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш;

аҳоли соғлиғи кўрсаткичлари ва тарқалган алиментар-боғлиқ ҳолатлар ривожланиши динамикаси таҳлили асосида овқатланиш соҳасида мониторинг дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

III. Соғлом овқатланишни таъминлаш ва турмуш тарзи бўйича фаолиятнинг асосий йўналишлари

4. Ушбу Концепцияни амалга ошириш доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

а) аҳолини соғлом овқатланиш билан таъминлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан:

маҳаллий сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари турларини кенгайтиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

давлат таълим ва тиббиёт муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни тартибга солиш;

овқатга солинадиган туз ишлаб чиқарувчи корхоналарга калий йодат ва калий йодит узлуксиз етказиб берилиши механизмларини яхшилаш, йодлаштирилган туз ишлаб чиқаришнинг доимий мониторинги олиб борилишини таъминлаш;

алкоголли маҳсулотлар сотилишини янада тартибга солиш;

таълим муассасаларида истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги устидан амалий назорат ўрнатиш;

витаминлар ва микронутриентлар билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари турларини кўпайтириш ҳисобига ташкил этилган жамоаларда болалар овқатланишининг суткалик рационини яхшилаш;

б) аҳолини соғлом овқатланиш билан таъминлаш механизмининг такомиллаштиришга ва соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга йўналтирилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш:

маҳаллий озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқиладиган пархезли сут-қатиқ маҳсулотлари турларини кенгайтириш;

ўсимлик хужайралари асосида таркибида туз кам бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари турларини кенгайтириш;

канд-шакарнинг ўрнини босувчи доривор стевия ўсимлигини етиштириш ва саноат йўли билан қайта ишлашни кўпайтириш;

аҳолини муҳим микронутриентлар билан таъминлаш давлат дастурларини амалга оширишни давом эттириш;

таълим муассасаларида ва бошқа ташкилотларда соғлом овқатланишга ва соғлом турмуш тарзи юритилишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар яратиш;

Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари аҳолиси орасида соғлом овқатланиш маданиятини ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган

тажриба лойиҳани амалга ошириш, кейинчалик олинган ижобий тажрибани республиканинг барча минтақаларига ёйиш;

озик-овқат маҳсулотларининг даволаш-профилактик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг турли жинс-ёш ва профессионал гуруҳлари учун овқатланишнинг тавсия этиладиган ўртача суткалик меъёрларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини «даладан ишлаб чиқарувчигача», «ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача» етказиб бериш логистикаси схемаларини такомиллаштириш;

озик-овқат маҳсулотлари, шу жумладан болалар ва парҳезли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантиришнинг мавжуд иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

в) соғлом овқатланиш ва диетология соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш:

маҳаллий хом ашё — нефть конлари суви негизида йод ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;

аҳолининг турли гуруҳлари орасида овқатланиш рационини ва нокилона овқатланиш билан боғлиқ касалликлар тарқалиши ривожланиши сабабларини ўрганиш;

болалар ва катта ёшдагилар учун маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосида парҳезли таомлар ва ичимликларнинг илмий асосланган рецептурасини ишлаб чиқиш;

аҳоли орасида темир тақчил бўлган анемия ва йод тақчиллиги ҳолатлари тарқалишини ўрганиш;

г) соғлом овқатланиш соҳасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш:

махсус теле-, радиоэшиттиришлар, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган материаллар доираси ва сонини кенгайтириш;

аҳоли орасида соғлом овқатланишни оммавийлаштириш ва соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш жараёнига сиёсат, фан, санъат, спортнинг таниқли арбобларини ва жамоат арбобларини жалб этиш;

амалга ошириладиган ахборот-маърифий тадбирлар натижалари мониторингини олиб бориш ва уларни баҳолаш;

аҳоли орасида, энг аввало, ёшлар орасида соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишнинг соғлиқ учун зарарли оқибатлари масалалари бўйича тушунтириш ишлари олиб боришни кенгайтириш;

д) тиббиёт кадрлари тайёрлаш сифатини янада ошириш:

ўрта махсус, касб-хунар, олий ва олий таълимдан кейинги таълим учун соғлом овқатланиш соҳасида ўқув дастурларини жорий этиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари талабалари

ри учун соғлом овқатланиш ва диетология масалалари бўйича ўқув дастурларини жорий этиш;

«Диетология» мутахассислиги бўйича магистрлар ва клиник ординаторлар тайёрлаш;

соғлом овқатланиш, диетология, жисмоний фаоллик, алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишнинг соғлиқ учун зарарли оқибатлари масалалари бўйича мутахассисларнинг малакасини ҳар йили ошириш.

IV. Концепцияни амалга ошириш механизми

5. Концепцияни амалга ошириш 2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш йўли билан амалга оширилади.

6. Тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасидаги чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) томонидан таъминланади.

7. Республика комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш соҳасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини ишлаб чиқишни;

озиқ-овқат саноати тизимига ва қишлоқ хўжалигига халқаро ташкилотлар, хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб этиш учун шарт-шароитлар яратилишини;

аҳолининг соғлом овқатланиши соҳасида комплекс чора-тадбирлар бажарилиши устидан мунтазам мониторинг олиб борилиши ташкил этилишини таъминлайди.

8. Масъул бажарувчилар:

белгиланган муддатларга ва ишлар ҳажмига мувофиқ тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган молиявий маблағлардан аниқ мақсадни кўзлаб ва самарали фойдаланилишини;

кейинги йилга тадбирларни амалга ошириш бўйича иш режаси ҳар йили Республика комиссиясига тақдим этилишини;

Комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ахборот

Республика комиссиясига чораклик асосида тақдим этилишини таъминлайдилар.

Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

V. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

9. Концепцияни амалга ошириш 2020 йилда:

аҳоли томонидан сабзавотлар ва мевалар истеъмол қилинишини 15 фоизга кўпайтириш;

таркибида туз кўп бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни 15 фоизга қисқартириш;

овқатланиш рационали соғлом овқатланиш принципларига мос бўлган ҳомиладор аёллар, чақалоқлар ва беш ёшгача болалар улушини 10 фоизга кўпайтириш;

тамаки истеъмол қилишни ва алкогольни зарарли истеъмол қилишни 10 фоизга қисқартириш;

соғлом, хавфсиз ва сифатли қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини мамлакатимизда етиштиришни кенгайтириш;

таркибида шакар, туз, тўйинтирилган ва трансёғли кислоталар кам бўлган маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ва реализация қилиш ҳажмини кўпайтириш;

витаминлар ва зарур минераллар билан бойитилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш улушини кўпайтириш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 29 августдаги 251-сон қарорига
2-ИЛОВА

35 (691)-сон

**2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисини
соғлом овқатланиш билан таъминлаш чора-тадбирлари
КОМПЛЕКСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа
I. Соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш					
1.	Давлат таълим ва тиббиёт муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тизимини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон ҳамда «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 20 августдаги 184-сон қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	2015 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Тургун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш учун тўловдан озод қилинадиган аҳоли тоифалари рўйхатини унга эмизикли оналарни ва балоғатга етмаган болаларни киритган ҳолда қайта кўриб чиқиш. Даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш учун тўлов тартибини бюджет маблағлари ва тўлов асосидаги овқатлантиришдан тушган бюджетдан ташқари тушумлар ҳаракатини ҳисобга олишнинг амалдаги қоидалари ва нормаларига мувофиқлаштириш. Айниқса қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларининг озик-овқат блокларини ижарага беришни расмийлаштириш механизминини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларга солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бериш ва ижара тўлови миқдорларини камайтириш.
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-	2016 йил январь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Республика аҳолисини йодланган туз билан таъминлаш механизмларини қуйидаги йўллар билан такомиллаштириш:

— 19 —

467-модда

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбан	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қутилаётган натижа
	тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 23 ноябрдаги 260-сон қарорига озиқ-овқат тузи ишлаб чиқарадиган корхоналарга калий йодати ва йодитини узлуксиз етказиб бериш механизмини такомиллаштиришни ҳамда йодланган туз ишлаб чиқаришнинг доимий мониторингини ташкил этишни назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.				<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан калий йодати ва йодити харид қилишни ва озиқ-овқат тузи ишлаб чиқарадиган корхоналарга етказиб беришни амалга ошириш;</p> <p>озиқ-овқат тузи ишлаб чиқарадиган корхоналарга калий йодати ва йодитини олдиндан ҳақ тўламасдан, тузни сотишдан олинган тушумнинг бир қисмини уларнинг қийматига тенг бўлган миқдорда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига улар томонидан кейинчалик ўтказган ҳолда етказиб беришни таъминлаш;</p> <p>аҳоли ўртасида йод танқислиги касалликлари профилактикаси бўйича ўтказилadиган чора-тадбирларнинг доимий мониторингини ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни ташкил этиш.</p>
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларнинг чакана савдосини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сон қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига ҳамда «Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкогольли маҳсулотлар сотиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 28 мартдаги 89-сон қарорларига алкогольли маҳсулотларни сотиш соҳасини тартибга солиш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	2016 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси	—	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.</p> <p>Қонун кучига эга бўлган ҳужжатларни «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида» 2011 йил 5 октябрдаги ЎРҚ–302-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш.</p> <p>Савдо объектларида йигирма ёшга етмаган шахсларга алкогольли маҳсулотларни сотишга йўл қўймаслик тўғрисида, шунингдек алкогольли маҳсулотларнинг инсон соғлиғига салбий таъсири ҳақида огоҳлантирувчи ёзувларни мажбурий тартибда жойлаштириш.</p> <p>Алкоголли маҳсулотларни: йигирма ёшга етмаган шахсларга;</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
					<p>савдо автоматлари орқали сотишни тақиқлаш.</p> <p>Ҳар қандай маҳсулотларни, шу жумладан алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари кўринишидаги болалар ўйинчоқларини сотишни тақиқлаш.</p>
4.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат таълим муассасаларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлар сифатини текширишларни Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари билан қўшимча равишда келишилмасдан амалга ошириладиган Назорат қилувчи органларнинг назорат функциялари рўйхатига киритиш.	2016 йил I чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси	—	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Давлат таълим муассасаларида истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги юзасидан амалий назоратни ўрнаттиш.
5.	«Ўзбекистон Республикасининг болалар ва ўсмирлар муассасаларида ташкил этилган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг ўртача суткалик оқилона нормалари» номли 2000 йил 30 июндаги 0097-00 рақамли Ўзбекистон Республикаси Санитария қоидалари ва нормаларига болаларнинг уюшган жамоаларини овқатлантиришнинг суткалик рационига бойитилган овқатланиш маҳсулотларини ва ичимлик сувларни киритишни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш.	2015 йил ноябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	—	Санитария нормалари ва қоидалари. Болалар уюшган жамоаларининг овқатланиш рационига бойитилган овқатланиш маҳсулотларини ва ичимлик сувларни киритиш. Болалар ўртасидаги юқумли ва юқумсиз касалликларни профилактика қилиш.
6.	«Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган гигиена талаблари» номли 2010 йил 17 сентябрдаги 0283 рақамли Ўзбекистон Республикаси Санитария қоидалари ва нормаларига тайёр овқатланиш маҳсулотларидаги соф қанд-шакар, туз, тўйинтирилган ҳамда трансғли кислоталар ва озиқ-овқат қўшимчалари миқдорининг хавфсиз даражаларини нормалаштиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш.	2015 йил. ноябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	—	Санитария қоидалари ва нормалари. Тайёр овқатланиш маҳсулотларидаги соф қанд-шакар, туз, тўйинтирилган ҳамда трансғли кислоталар ва озиқ-овқат қўшимчалари миқдорининг хавфсиз даражаларини нормалаштириш. Таркибида соф қанд-шакар, туз, тўйинтирилган ва трансғли кислоталар миқдори кўп бўлган тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни камайитириш.
7.	Маҳсулотларнинг давлат стандартларини ФА/ВОЗ тавсияларига мувофиқлаштириш.	2015 — 2020 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги,	—	Озиқ-овқат маҳсулотларига давлат стандартлари (O'zDst).

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
			«Ўзстандарт» агентлиги, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси		Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиш упаковкасига улардаги соф қанд-шакарлар, туз, тўйинтирилган ва транс-эгли кислоталарнинг мавжуд миқдори тўғрисидаги маълумотни киритиш. Маҳаллий озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш.
8.	Озиқ-овқат маҳсулотларига давлат стандартлари (O'zDst)ни ва технологик инструкцияларини (ТИ) ишлаб чиқиш, уларда маҳаллий озиқ-овқат саноати маҳсулотлари корхоналарида ишлаб чиқариладиган ўсимлик ҳужайралари асосида таркибида туз миқдори кам бўлган парҳез чучук сут маҳсулотлари, овқатланиш маҳсулотлари турларини кенгайтиришни назарда тутиш.	2016 — 2018 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўздонмаҳсулот» АК, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси	Бажарувчилар маблағлари	Озиқ-овқат маҳсулотларига давлат стандартлари (O'zDst) ва технологик инструкциялар (ТИ), уларда маҳаллий озиқ-овқат саноати маҳсулотлари корхоналарида ишлаб чиқариладиган ўсимлик ҳужайралари асосида таркибида туз миқдори кам бўлган парҳез чучук сут маҳсулотлари, овқатланиш маҳсулотлари турларини кенгайтириш назарда тутилади.
II. Соғлом овқатланиш ва турмуш тарзини таъминлаш чора-тадбирлари					
9.	Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги экспериментал фермер хўжалиги негизида доривор ўсимлик — стевияни тайёрлаш ҳажмларини кўпайтириш, унинг экин майдонларини 100 гектаргача етказиш. Фармацевтика ва озиқ-овқат саноатидаги эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, хорижий инвесторларни жалб этиб стевияни саноатда қайта ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2015 — 2020 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармасаноат» ДАК, «Ўздонмаҳсулот» АК, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	2,275 млрд сўм («Агробанк» АТБнинг имтиёзли кредитлари), инвесторларнинг, халқаро донорларнинг маблағлари	Таҳлилий ёзма ахборот. Қанд диабетига чалинган мижозларни маҳаллий парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш. Маҳаллий фармацевтика ва озиқ-овқат саноатини маҳаллий хом ашё билан таъминлаш.
10.	Аҳолига, айниқса оналар, болалар ва ўсмирларга қўшимча микронутриентлар бериш бўйича давлат дастурларини қуйидаги йўллар билан амалга оширишни давом эттириш: ҳомиладор аёлларни, таркибида шу жумладан фолиеола кислотаси мавжуд бўлган умумий соғломлаштирадиган поливитаминларнинг махсус комплекслари билан таъминлаш;	2015 — 2020 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Ўздонмаҳсулот» АК,	Бажарувчилар маблағлари	Бажарувчиларнинг қарорлари. Фортификацияланган ун, йодлаштирилган туз ишлаб чиқариш. Болалар ва ўсмирларни жисмоний ва интеллектуал ривожлантиришни таъминлаш. Аёллар, болалар ва ўсмирлардаги микронутриент танқислигининг олдини олиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
	<p>чақалоқларни ва ёш болаларни оқилона овқатлантиришни таъминлаш, бунда асосан 6 ойликкача бўлган эмизикли чақалоқларни энг тўлиқ даражада қамраб олиш;</p> <p>6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 95 фоизини «А» витамини билан сапплементациялаш;</p> <p>унни фортификациялаш ва тузни йодлаштириш.</p>		Туз ишлаб чиқарувчилар		
11.	<p>Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ва соғлом турмуш тарзини юритишни оммалаштиришга ёрдам берадиган шарт-шароитларни қуйидаги йўллар билан яратиш:</p> <p>педагоглар, талабалар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини соғлом овқатлантириш, жисмоний фаоллик, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш масалалари бўйича замонавий ўқитиш методларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш;</p> <p>таълим муассасаларида амалга ошириш учун тавсия этилаётган соғлом овқатланишга йўналтирилган овқатланиш рационлари ва маҳсулотларини тасдиқлаш;</p> <p>болалар учун бепул спорт секциялари турларини ташкил этиш ва кенгайтириш тадбирларини амалга оширишни давом эттириш.</p>	2015 — 2020 йиллар	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Бажарувчиларнинг, таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг, ҳомийларнинг маблағлари	<p>Бажарувчилар қарори.</p> <p>Педагоглар, талабалар, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш масалалари бўйича саводхонлигини ошириш ҳамда бу борадаги маданиятини шакллантириш.</p> <p>Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш учун шарт-шароитлар яратиш.</p>
12.	<p>Ташкилотларда соғлом овқатланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга қўмаклашадиган шарт-шароитларни қуйидаги йўллар билан яратиш:</p> <p>иш берувчиларни ва ходимларни ўқитишнинг замонавий методларидан фойдаланган ҳолда соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш кўникмаларига ўқитиш;</p> <p>ташкилотларда меҳнат шароитларига боғлиқ ҳолда амалга ошириш учун тавсия этилаётган</p>	2015 — 2020 йиллар	Ташкилотлар, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	Бажарувчилар, ҳомийлар маблағлари	<p>Бажарувчиларнинг қарори.</p> <p>Иш берувчилар ва ходимлар ўртасида соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш масалалари бўйича саводхонликни ошириш ва бу борадаги маданиятни шакллантириш.</p> <p>Меҳнат унумдорлигини ошириш.</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
	соғлом овқатланишга йўналтирилган овқатланиш рационлари ва маҳсулотларини тасдиқлаш.				
13.	Кейинчалик ижобий тажрибани республиканинг барча минтақаларида оммалаштиришни назарда тутган ҳолда, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари аҳолиси ўртасида соғлом овқатланиш маданияти ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли ўртасида овқатланишнинг бузилиши билан боғлиқ касалликларни олдиндан аниқлаш ва уларнинг олдини олишга йўналтирилган тажриба лойиҳасини амалга ошириш.	2016 — 2018 йиллар	Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ИИВ, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, КУФК, МТРК, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» фонди, «Қамолот» ЁИҲ, «Ибн Сино» жамоат фонди	895,3 млн сўм* (ҳар йили ажратиладиган пул маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари), 395,0 минг АҚШ доллари, («Саломатлик-3» лойиҳаси), БЖССТ (ВОЗ) маблағлари**	Бажарувчиларнинг қарори. Нооқилона овқатланиш, кам жисмоний фаоллик, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиш каби юқумли бўлмаган касалликларнинг хатарли омиллари тарқалганлигини қуйидаги йўллар билан камайтириш: аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш; соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш бўйича ўқув дастурлари, ахборот-таълим материалларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш; нооқилона овқатланиш ва кам жисмоний фаоллик билан боғлиқ касалликларни олдиндан аниқлаш юзасидан 40 ёшдан ошган аҳолини текширишнинг лаборатория методлари билан кенг қамраб олиш; 40 ёшдан ошган шахслар ўртасида қондаги глюкоза ва холестеринни, пешобдаги оқсилни аниқлаш учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини реагентлар ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш; даволаш-профилактика муассасалари амалиётига артериал гипертония ва қандли диабет бўйича замонавий клиник протоколларни жорий этиш; Саломатлик ва тиббий статистика институтининг минтақавий филиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
14.	Соғлом овқатланишда инсон организмнинг физиологик эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда турли касалликларнинг олдини олиш ва организмнинг ҳимоя хусусиятларини мустаҳкамлаш учун миллий урф-одатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг турли жинси ва ёши ҳамда касбий гуруҳлари учун тавсия қилинадиган ўртача суткалик овқатланиш нормаларини ишлаб чиқиш.	2015 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги	—	Бажарувчиларнинг қўшма қарори. БЖССТ тавсияларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига аҳолининг эҳтиёжини ҳисоб-китоб қилиш. Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш.
15.	Қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини етказиб бериш босқичларини қисқартириш бўйича таклифларни ишлаб чиққан ҳолда «даладан ишлаб чиқарувчигача», «ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача» қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари логистикаси ҳамда уларни етказиб бериш схемаларини таҳлил қилиш.	2016 йил III чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	—	Таҳлилий ёзма ахборот. Қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари логистикаси ва уларни етказиб бериш схемасини содда-лаштириш. Қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари ташишда йўқотишларни камайтириш ва тўсиқларни бартараф этиш. Аҳоли учун қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг нархини арзонлаштириш. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган озиқ-овқат хом ашёсининг сифатини ошириш ва таннархини пасайтириш.
16.	Озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан болалар ва парҳез озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш, шунингдек қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантиришнинг амалдаги механизмлари самарадорлигини таҳлил қилиш. Уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2016 йил III чорак	Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси	—	Таҳлилий ёзма ахборот. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун қуйдаги йўللار билан қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш: Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга биринчи навбатда бўш турган биноларни «ноль» сотиб олиш қиймати бўйича ажратиш;

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
имтиёзли кредитлар бериш.					
III. Соғлом овқатланиш ва диетология соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш					
17.	Йод ишлаб чиқариш учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган ҳамда кимёвий хом ашё бўлиб хизмат қиладиган нефть конларининг маҳаллий хом ашё сувлари негизда йод ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш.	2016-2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз», МХК, Давлат геология қўмитаси	Грантлар ва халқаро ташкилотлар маблағлари	Таҳлилий ёзма ахборот. «Жарқўргоннефть» нефть-газ қазиб чиқариш бошқармасининг нефть конлари сувларини танлаб олиш ва уларнинг таркибини, захираларини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш. Мамлакатимиз ишлаб чиқаришида импортнинг ўрнини қоплашни ташкил этиш мақсадида маҳаллий хом ашёдан йод ишлаб чиқаришнинг техник шартлари, технологияларини танлаб олиш ва ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.
18.	Куйидагиларга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш: аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида овқатланиш рационини ўрганиш; тарқалган алиментар боғлиқлик ҳолатларининг ривожланиш сабабларини ўрганиш; болалар ва катталар учун маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари асосида парҳез таомлар ва ичимлик сувлар тайёрлаш.	2016 — 2020 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси	48,0 млн сўм* (ҳар йили ажратиладиган пул маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари)	Бажарувчиларнинг қарори. Республика аҳолисининг турли гуруҳлари ўртасида овқатланиш ҳолатининг мониторингини амалга ошириш. Амалга ошириладиган профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш. Парҳез таомлар турларини кенгайтириш ҳамда даволаш-профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш.
19.	Республика аҳолиси ўртасида темир моддаси танқислиги анемияси ва йод танқислиги ҳолатлари тарқалганлигини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш.	2016-2017 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	8,0 минг АҚШ доллари (Унни бойитишни амалга ошириш гуруҳи), ЮНИСЕФ маблағлари**	Бажарувчилар ҳисоботи. Аҳоли ўртасида темир моддаси танқислиги анемияси ва йод танқислиги ҳолатлари тарқалиши бўйича вазиятни баҳолаш. Тузларни йодлаш, бугдой унини микроэлементлар билан бойитиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг самарадорлигини баҳолаш. Бугдой уни ва ош тузига қўшиладиган микроэлементлар нормаларини қайта кўриб чиқиш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
IV. Соғлом овқатланиш ва диетология соҳасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш ва соғлом овқатланиш тарғиботини кучайтириш, тиббиёт кадрлари салоҳиятини ошириш					
20.	Соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича қуйидаги йўллар билан ахборот ва маърифий ишларни амалга ошириш: босма ва электрон оммавий ахборот воситалари материалларини, ижтимоий телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тури ва сонини кўпайтириш; машҳур сиёсий, фан, санъат арбоблари, спорт ва жамоат арбобларини жалб этиш; ўтказилган ахборот ва маърифий тадбирлар натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш.	2015 — 2020 йиллар	МТРК, «Ўзбекино» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари КУФК, «Маҳалла» фонди, «Камолот» ЁИХ, Хотин-қизлар кўмитаси, «Ибн Сино» жамоат фонди	Бажарувчилар, ҳомийлар ва халқаро ташкилотлар маблағлари	Бажарувчилар қарори. Соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритишни тарғиб қиладиган ижтимоий телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, босма ахборотлар ва Интернет тармоғидаги эълонлар туркумлари жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Аҳолининг юқумли бўлмаган касалликларнинг (нооқилона овқатланиш, кам жисмоний фаоллик, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг) хатарли омиллари, шунингдек парҳез овқатланишнинг хусусиятлари тўғрисида хабардорлигини ошириш.
21.	Аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари истеъмолидан воз кечиш масалалари бўйича тушунтириш ишларини кенгайтириш.	2015 — 2020 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Дин ишлари бўйича кўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, «Ибн Сино» жамоат фонди	180,0 млн сўм* (ҳар йили ажратиладиган пул маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари), бажарувчилар маблағлари	Бажарувчилар қарори. Аҳолининг, энг аввало, ёшларнинг саводхонлигини ошириш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг соғлом овқатланишга, жисмоний фаолликка, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари истеъмолидан воз кечишга кўниктириш. Соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш бўйича профилактика ишларини такомиллаштириш. Нооқилона овқатланиш, жисмоний фаоллик, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли профилактикаси бўйича ишларни илмий-методик таъминлаш.
22.	Қуйидаги йўллар билан тиббиёт кадрлари тайёрлаш сифатини янада ошириш: ўрта махсус, олий, олий таълимдан кейинги таълим дастурларини, шу жумладан «Диетология»	2016 — 2020 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	306,7 млн сўм* (ҳар йили ажратиладиган пул маблағлари)	Бажарувчилар қарори. Соғлом овқатланиш ва диетология бўйича мутахассисларнинг билимлари ва кўникмаларини яхшилаш.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Масъул бажарувчилар	Харажатлар ва молиялаштириш манбаи	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва қўтилаётган натижа
	<p>мутахассислиги бўйича дастурларни такомиллаштириш; олий тиббий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари талабаларини соғлом овқатланиш ва диетология бўйича ўқитиш; «Диетология» мутахассислиги бўйича магистрлар ва клиник ординаторларни тайёрлаш; диетология бўйича даволаш-профилактика муассасалари мутахассисларининг малакасини ошириш; ҳар йили соғлом овқатланиш, диетология, жисмоний фаоллик, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари истеъмолдан воз кечиш масалалари бўйича малака ошириш.</p>			<p>доирасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари)</p>	<p>Даволаш-профилактика муассасаларида тайёрланадиган парҳез таомлар сифатини яхшилаш. Тиббиёт муассасаларида соғлом овқатланиш, диетология, жисмоний фаоллик, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари истеъмолдан воз кечиш соҳасида маслаҳатлар бериш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш. Даволаш-профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш.</p>

* Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлар асосий параметрлари тасдиқлангандан кейин аниқлаштирилади.

** Тегишли тадбирлар халқаро донорлар томонидан тасдиқлангандан кейин аниқлаштирилади.

Чора-тадбирлар комплекси тадбирларини амалга оширишга жами харажатлар 3,710 млрд сўмни ва 403,0 минг АҚШ долларини ташкил қилади.